

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг очик суд мажлиси, ўз биносиди, раислик қилувчи Ш.Ахмедов, судья ёрдамчиси И.Рахимовнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси О.Саидова, химоячи адвокат Д.Шариповнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Б.Г.Ага нисбатан 1-1503-2501/132-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Б.Г.А, 1997 йил 23 августда Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, 4 нафар фарзанди бор, уй бекаси, Қўқон шаҳар, [REDACTED] кўчаси, 122-уй 27-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 14 февралда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни текшириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, тарафларни музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Б.Г.А 2024 йилнинг январь ойларида 2024 йил 21 февралда вафот этган қариндоши Абдужаббаров Самин Казаковичдан опий гиёҳвандлик моддасини олиб, уни ўтказиш мақсадини кўзламасдан, 0.41 грамм опий воситасини 2025 йил 16 январь кунига қадар сақлаб келиб, шу куни соат 06.10 ларда Қўқон шаҳар ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ажримига асосан Қўқон шаҳар, [REDACTED] 122-уй, 27-хонадонда ўтказилган тинтув давомида ётоқхонаси тоқчасидан рангсиз целофан пакет парчасига ўралган гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, ушбу модда текшириб кўришлик учун холислар иштирокида олинган.

Суд кимёвий экспертизасининг 2025 йил 16 январдаги 25-сонли хулосасида, Г.Бдан олинган бир бўлақдаги қора-қўнғир рангли, ўткир хидли, юмшоқ ҳолдаги ушлаганда қўлга ёпишадиган мўмсимон (қуюк) ҳолдаги опий гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда таркибида опий гуруҳига мансуб гиёҳванд алколоидлар-морфин, кодеин, тебаин мавжудлиги, ушбу восита “опий” деб номланиши, унинг соф оғирлиги 0,41 граммни ташкил қилиши аниқланган.



Фарғона вилояти 2-сонли суд наркологик экспертизасининг 2025 йил 29 январдаги 55-сонли далолатномасида, Г.Б опий гиёҳвандлик моддасини ҳар-ҳар замонда, эпизодик равишда истеъмол қилишлиги, лекин гиёҳвандлик касаллиги билан касалланмагани, тиббий йўсиндаги мажбурий равишда даволаниш чорасига муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Г.Б судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2025 йил 16 январь куни соат 06.10 ларда унинг яшаш хонадони, Қўқон шаҳар, [REDACTED] 122-уй, 27-хонадонга Қўқон шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари келиб, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг тинтув ўтказиш ҳақидаги ажрими асосида тинтув ўтказилиб, ётоқхонаси тоқчасидан рангсиз целофан пакет парчасига ўралган гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлигини аниқлаб, ушбу моддани текшириб кўришлик учун холислар иштирокида олишгани, ушбу гиёҳвандлик моддасини у 2024 йилнинг январь ойларида кейинчалик вафот этган қариндоши Абдужаббаров Самин Казаковичдан фарзандлари шамоллаганда ичириш учун олгани, бир қисми қолиб кетгани, ўзи ҳам касал бўлганида истеъмол қилгани ҳақида кўрсатув бериб, қилмишидан пушаймонлиги, судланмаганлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи Г.Б айбига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ҳам исботланган, жумладан:

гувоҳ С.Бнинг суддаги, 2025 йил 16 январь куни ўзига тегишли Қўқон шаҳар, [REDACTED] 122-уй, 27-хонадонда бўлган вақтида соат 06.10 ларда унинг яшаш хонадонидан Қўқон шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ажримига асосан тинтув ўтказилиб, ётоқхонаси тоқчасидан рангсиз целофан пакет парчасига ўралган гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, ушбу модда текшириб кўришлик учун холислар иштирокида олишгани, ушбу гиёҳвандлик моддаси опий бўлиб, турмуш ўртоғи Г.Б уни фарзандлари касал бўлганида иштгани аниқлангани ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, жиноят ишидаги Г.Бни хонадонидан тинтув ўтказиш ва ашёвий далилни олиш тўғрисидаги, далилий ашёни тортиб олиш ҳақидаги баённомалари, топшириш-қабул қилиш далолатномаси, квитанцияси, экспертиза хулосаси ҳамда иш материалларида тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Г.Бнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, 0,41 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлашдан иборат қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Бга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандидаги, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган



жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги;

3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, судланмагани, аёллиги, қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, шунингдек, унинг шахсини, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар хусусиятига кўра аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солиши, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқариши жиҳатидан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланишини инобатга олиб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни;

ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг хўжалик бўлимида 3954-сонли квитанция асосида сақланаётган, экспертизада ишлатилганидан қолган 0,3 грамм “ташиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Б.Г.А Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Г.Бга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида 7.500.000 (етти миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, Г.Бга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг хўжалик бўлимида 3954-сонли квитанция асосида сақланаётган, экспертизада ишлатилганидан қолган 0,3 грамм “ташиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида



Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

Ш.Ахмедов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Қўқон шаҳар судининг раиси

Ш.Ахмедов

